

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил март ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман суди, Шаҳрисабз туман “Мевазор” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ш.Турдиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Усмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрисабз туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Тожиев, гумон қилинувчи Х ва унинг ҳимоячиси адвокат О.Жалилов, жабрланувчи Хнинг иштирокида,

Х – XXXX йил Х февраль куни Шаҳрисабз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, Х нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Шаҳрисабз шаҳар “Х” МФЙ Х-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинганга нисбатан №Х-XXXX-XXXX/XX-сонли жиноят иши кўрилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Х жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг 27.08.2025 йилдаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59²-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, Кодекснинг 33-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида 824.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган бўлсада, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2026 йил 20 январь куни соат 22:30 ларда яшаш уйи Шаҳрисабз шаҳар “Х” МФЙ Х-уйда турмуш ўртоғи Х билан ўзаро оилавий келишмовчилик оқибатида жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида Х шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, ҳақорат қилган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Х ва жабрланувчи Х ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Шаҳрисабз шаҳар ИИБ хузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғи майор Хнинг 2026 йил 27 февралдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Хга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Х суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, ҳақиқатдан ҳам 2026 йилнинг 20 январь куни соат 22:30 ларда яшаш уйи Шаҳрисабз шаҳар “Х” МФЙ Х-уйда турмуш ўртоғи Х билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, жahl устида уни ҳақорат қилгани, аммо тергов давомида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб, жабрланувчига етказилган зарарларни қоплаб, жабрланувчи билан бирор-бир тазйиксиз ўз ихтиёрига кўра ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2026 йилнинг 20 январь куни тунги соат 22:30 ларда яшаш уйи



Шаҳрисабз шаҳар “Х” МФЙ Х-уйда турмуш ўртоғи Х билан ўзаро жанжаллашиб қолгани, жанжал вақтида турмуш ўртоғи уни ҳақорат қилгани, аммо тергов даврида Х томонидан унга етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани сабабли Хга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у билан тергов даврида ўз ҳоҳиши билан ярашгани, аризани ўз ҳоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, 126¹-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қопласа, жабрланувчи билан ярашса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Х ва гумон қилинувчи Хнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, гумон қилинувчи Хнинг муқаддам судланмагани, айбига иқрорлиги ва жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, гумон қилинувчи Хни жабрланувчи Х билан ихтиёрий равишда ярашганлигини инobatга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, жабрланувчи Хга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини қайд этишни, шунингдек тарафларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси талаби, яъни агар суд ярашувни тасдиқласа, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Х жабрланувчи Х билан ярашгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик масаласи ҳал этилмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи Хга нисбатан етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани қайд этилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда апелляция ёки кассация шикоят, прокурор эса хусусий тартибда протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Турдиев

